

Муддассир 40-47

05:00 / 23.01.2017 4620

Тафсири Хилолдан

...Гуноҳкорлар дўзахга киришларига сабаб бўлган мазкур ишларни, ўлгунларича қилаверганларини ўзлари эътироф қилмоқдалар. То ўлим келгунча қилганини қилиб юрган бўлса, ўлим келиб ҳақиқат юзага чиқса, ул гуноҳкорларнинг ҳоли нима бўлади?

Муддассир 40-47 Муддассир 40-47

40. Улар жаннатларда, сўрайдир.

41. Гуноҳкорлардан.

42. «Сизларни дўзахга нима киритди?» (деб)

Гуноҳкорлар арзи дод қилишга муштоқ бўлиб турганлардан батафсил жавоб бера бошлайдилар:

43. Алар: «Намоз ўқийдиганлардан бўлмаган эдик.

Бу ояти каримада дўзахиларнинг ўзлари дўзахга тушишларига сабаб бўлган асосий нарсани зикр қилмоқдалар. Аслида бош сабаб иймонсизлик, лекин улар намоз ўқимаслик дейишмоқда, демак намоз билан иймон ажралмас нарсалар экан. Бу оятда мусулмон киши ҳаётида намознинг аҳамияти нақадар улкан эканлиги яна бир бор таъкидланмоқда.

44. Ва мискинларга таом бермаган эдик.

Бу сифат ҳам иймонсизлик аломатларидандир. Мискинларга таом бериш иймондан бўлиб, ўз соҳибини Аллоҳнинг азобидан сақлайди. Табиийки, таомга кийим кечак ва уй-жой ҳам қўшилади. Мискинга таом бермаслик барча разилликларга ҳам борадиган қилиб қўяди. Шу билан бирга мискинларни жамиятга, қорни тўқларга қарши ҳам қилиб қўяди.

Шунинг учун Ислом мискинларнинг фаровон турмуш кечиришларига ҳисса қўшмаган одамни дўзахийликка сазовор, гуноҳкор ҳисобланади.

45. Ва ботилга шунғувчилар билан бирга шўнғир эдик.

Яъни, ақида, дин, эътиқод ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларда ботил

сўзларни кўп гапирар эдик, ёлғонни кўз юммай сўзлар эдик.

46. Ва қиёмат кунини ёлғонга чиқарар эдик.

47. Токи бизга ўлим келгунича», дерлар.

Инсонларнинг ана шундай тоифаларининг дунёга келиши, барча балоларнинг бошидир. Чунки қиёмат кунига ишонмайдиган киши олдида ҳамма мезон бузилади, сабаб-унинг фикрий ўлчови бузуқдир. У инсонларга улуғ неъмат қилиб берилган ҳаётни беш кунлик умр-да, деб чегаралайди. Барча нарсани ушбу тор доирада ўлчайдиган бўлиб қолади. Шу сабабли бундай тоифадаги инсонлар кўпайган жамиятда ҳамма нарса расво бўлади.

Гуноҳкорлар дўзахга киришларига сабаб бўлган мазкур ишларни, ўлгунларича қилаверганларини ўзлари эътироф қилмоқдалар. То ўлим келгунча қилганини қилиб юрган бўлса, ўлим келиб ҳақиқат юзага чиқса, ул гуноҳкорларнинг ҳоли нима бўлади?